

ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси ” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 680 б. – Б. 6 .

2. Абдиев М.Б. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили (Самарқанд вилояти касб-хунарлари материаллари асосида)/ Филол. фан. докт.... дис. автореф. – Т., 2005. – 55 б.

5. Агапова Г. Н. Английская химическая терминология как совокупность трех семиотических систем./ Дис. ... канд. филол. наук. – М., 1976. – 131 с.

6. Головин Б. Н., Кобрин Р. Ю. Лингвистические основы учения о терминах. М.: Высшая школа, 1987. – 105 с.

7. Мадрахимов И. Ўзбек тилида сўзнинг серқирралиги ва уни таснифлаш асослари/ Филол. фанлари номз. ...дисс. автореф. – Т., 1996.

ТИЛСИЗ МИЛЛАТ - СУВСИЗ ДАРЁ

Бобокалонов Р. Р.

БухДУ доценти, ф.ф.н.

***Аннотация.** Ушбу мақолада тилга ҳурмат кўрсатиши, тил этикетига амал қилиши, тилни миллий руҳ ва қадрият сифатида ардоқлаш каби масалаларга муносабат билдирилган.*

***Калит сўзлар:** Тил ва тилишунослик, она тили, тил этикети, миллат руҳияти, миллат, ватан, ота-она, оила, жамият, давлат, оммавий ахборот воситалари, давлат тили, расмий тили.*

Тил ҳақида кўплаб ҳикматли сўз ва ибратли фикрлар мавжуд: “Тил – миллат кўзгуси”, “Тил – маънавият калити”, “Тил миллатнинг бебаҳо бойлиги” каби. Биз ҳар доим дунё таммаддунига халқимизнинг қўшган илмий, тарихий ва маънавий-маърифий ўрни беқиёс эканлигини ғурур билан шарафлаймиз. Ёшларни шунга муносиб тарбиялашни бош вазифа қилиб олганмиз.

“Ҳар бир миллатнинг мавжудлигини ва яшаётганини намоён этадиган омиллар бўлади. Тил ана шундай мавжудлик ҳодисасидир. Тил шунчаки сўзлашиш воситаси эмас. У миллат маънавияти ва маданиятининг тошойнасидир. Модомики, миллатнинг ўз тили бор экан, демак, унинг дунёга айтар сўзи ҳам бор, албатта. Шу тириклик оламининг бир қисми ўлароқ асрлар оша жаҳонга ўз сўзимизни айтиб келдик. Тил мозийдан гоҳ “Ўрхун-Энасой битиклари”, гоҳ “Девону луғотит турк”, гоҳ “Қутадғу билиг” бўлиб жаранглаб турибди. Чунки бу тилни не-не улуғ зотлар тенгсиз идроки ва фидойилиги билан асраб келди, сайқаллади.”

Бутун халқимиз одилона сиёсат байроғи остида маънан соғлом, руҳан тетик, қалбан инсонпарвар юксак маънавиятли жамият қурмоқда. Айни замонда мамлакатимизнинг мавқеи жаҳон узра кундан-кунга бўй чўзмоқда. Обрў-нуфузи ошиб бормоқда. Умумбашарият олдида бурч ва масъулиятимиз ортмоқда. Ички ва ташқи олам билан ижтимоий-сиёсий муносабатлар яхшиланмоқда. Халқни рози қилиш, фаровон турмушни янада яхшилаш, тинчлик ва тотувликни юксак даражада таъминлаш, камбағалликни

камайтириш каби саъй-ҳаракатлар давлатнинг ҳам, халқимизнинг ҳам зиммасига қўшимча масъулият юклайди.

Она тили миллатнинг бирлиги ва бирдамлигининг тимсолидир. У миллатни ягона халқ сифатида ўз атрофида бирлаштиради ва дунёда борлигини намоён этади. Ҳар бир миллатнинг ўз ватани, оиласи бўлгани каби унинг жонажон ва бетакрор она тилиси ҳам бўлади. Инсон учун ВАТАН, ОТА-ОНА, ОИЛА қанчалик кадрли ва муқаддас бўлса, унинг она тили ҳам шу қадар азиз саналади. Ҳаттоки гўдак ҳам ўз ватанини, ота-онасини, дунёни ўз она тилида англай бошлайди. Фарзанд тарбиясида онанинг ўрни бекиёс бўлганидек, инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топишда тилнинг ўрни муҳимдир. Шу боис тилни, онага қиёслаб «ОНА ТИЛИ» деб атайдилар. Инсондаги жамики эзгу фазилатлар, аввало, она алласи ва она тилининг бебаҳо жозибаси орқали сингади. Инсон қалбида она тилига нисбатан соф туйғу аланга олади.

Сувсиз дарё, тилсиз миллат мавжуд бўлмайди. Тил сув каби инсон руҳиятини тозалаб туради, танага жон, мияга озуқа беради, қалбни ёритади, шуурни бойитади. Бирор миллатга мансуб бўлган тил, ўша миллат билан яшайди. Тил ўлса, миллат ўлади. Демакки, тилни асраш, миллат ва халқни асрашдир. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз қадим-қадимдан тилни эъзозлашади, уни бўй-бастига ривож топишини орзу қилишади.

Пифагор бежиз: “Ҳар қандай халқнинг урф-одатларини билай десанг, аввало унинг тилини билишга урин”, демаган. Тил – миллатнинг буюк бойлиги, бебаҳо хазинаси, туганмас мулкидир. Чунки миллатнинг тарихи, унинг маданий, маънавий мероси, урф-одатлари ва анъаналари тил ва адабиётида мужассам бўлади. Она тилини улуғлаш, асраб-авайлаш, ўша тилда сўзлайдиган ҳар бир инсоннинг бурчидир. Тил – миллат қиёфасининг бир бўлаги. Шунинг учун дунёдаги барча халқлар ўзининг миллий расмий тилига эга. Она тили миллат таянчи, унинг ор-номуси, маънавий қиёфаси, орзу-умидларининг намунаси. «Тил миллатнинг руҳидир», дейди буюклар. Бу таърифда улкан маъно яширинган. Тилини йўқотган инсоний жамият катта-кичиклигидан, тарихий бой ўтмишидан, сон-саноксиз ёзма ёдгорликларга эга эканлигидан қатъий назар элатни, халқни, миллатнинг йўқолишига, ўзгаларга сингиб манқурт бўлишга маҳкум бўлади, тилсиз эл жонсиз жисмга айланади.

Дунёда халқаро тиллар ҳақида ҳам таърифлар жуда кўп. Тилшунослар ичида: «**Италян тили** – опера тили. Зеро, дунёнинг ҳар қандай бошқа тилида ижро этилган опера италян тилида ижро этилгани каби тушунарли ва хуш эшитилмайди. **Француз тили** – забони муҳаббат. Изоҳга на ҳожат. **Инглиз тили** – драматургия ва рок-музыка тили. Ушбу хулосани ҳам мисол билан исботлаш ортиқчадир. **Немис тили** – фалсафа тили. Немис миллатининг дунё халқлари томонидан тан олинган буюк файласуфларини ёдга олинг», - деган тавсиф бор. Хўш, ўзбек тилимиз-чи?! Бу тилларнинг қай биридан кам?!

Бизнинг она тилимиз – Алишер НАВОСИ, Бобур НАФАСИ, Қодирий ДАРДИ, Авлоний ОРЗУСИ, Абдулла ҚАСРИ, Пиримкул НАСРИ, Эркиннинг ТЯН-ШОНИю Муҳаммад Юсуф АРМОНИ – ўзга тилларнинг ҳаммасидан бебаҳо. Бу тилни дунёга танитиш ёшларнинг зиммасида.

Тил – миллатнинг мавжудлик шарти. Миллат вужуд бўлса, тил – рух. Миллат дарахт бўлса, тил унинг илдизидир. Тилнинг миллат, давлат ва жамият тараққиётидаги ўрни бекиёсдир. МИЛЛАТ, ДАВЛАТ, ЖАМИЯТ тараққий қилар экан, унинг тили ва тилшунослиги бўй чўзади. Давлат ва жамиятдаги ўзгаришлар биринчи навбатда тилда, хусусан, унинг лексикасида – луғат бойлигида, адабиёти ва санъатида кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам Абдулла Авлоний “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур,” деган ҳикматли сўзни ўзбек миллатини шарафлаш учун айтган эди, Тил – миллат маънавиятининг муқаддас тимсоли. Тил – миллий қадриятларни бирлаштириб, туташтириб, фарқлаб намоён этиб турувчи энг мустаҳкам занжир, бой ва чексиз маънавий хазина. Модомики, тил ижтимоий характерга эга экан, ижтимоий ҳаётдаги тараққиёт тилдаги тараққиётни белгилаб беради. Тил ва тилшуносликнинг тараққиёти жамият, давлат тараққиётига ўз таъсирини кўрсатади. Бунинг исботини айтиш замонда дунё манзарасидан топиш қийин эмас. Қайси жамиятда тинчлик, фаровонлик ҳукм сураётган бўлса, шу ерда тил ва тилшунослик тараққий этади. Бироқ бунинг акси учрайдиган мамлакатларда тил ва адабиёт ривожига ҳақида фикр юритиш амри маҳолдир.

Тил шундай бир боғи, ундаги ҳар бир ниҳол, ҳар бир ғунчанинг ўз ўрни бор. Бордию ниҳоллар эътиборсиз, парваришсиз қолса, боғнинг кўрки бузилади, таровати сусаяди. Биз яшаётган жамиятда она тили ҳақида шеърлар ёзиш, ёд айтиш, уларни қўшиқ қилиб куйлаш, тил ҳақида маърузалар ўқиш, турли тадбирлар ўтказиш тилга эътибор саналади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТнинг 75-сессияси минбарида илк маротаба ўзбек тилида нутқ сўзлаши халқимизга ғурур бағишлади. Барча миллат вакилларига ўзбек тили деган давлат тили борлигини, бу тилнинг меҳнатсевар ва инсонпарвар раҳбари ўз халқини тўғри йўлга бошлаётганига ишора берди. Шунингдек, инсоннинг ўз она тилига муносабати унинг маънавиятининг мезони ҳисобланади. Инсоннинг қандай маънавиятга эга эканлиги унинг тилида, гўзал нутқида намоён бўлади. Ўз тилини ҳурмат қилмайдиган одамни маънавиятли санаш мутлақо нотўғри бўлади.

“Оммавий ахборот воситалари ва ғоявий таъсир кўрсатиш механизмлари энг асосий, қудратли ва таъсирчан мафкура воситасидир. Оммавий ахборот воситалари - ахборотни кенг жамоатчиликка етказиб берувчи матбуот, радио, телевидение каби воситаларга нисбатан ишлатувчи тушунча. Оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаёти, фуқаролар фаолиятига таъсири ниҳоятда кучлилигидан уларга нисбатан «тўртинчи ҳокимият» атамаси ҳам қўлланади. Оммавий ахборот воситалари омманинг ўзига хос тарбиячиси, муҳим тадбирларнинг ташкилотчиси, долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг таъсирчан қуроли бўлиб хизмат қилади. Айнан оммавий ахборот воситалари орқали миллий қадриятларимиз ва умуминсоний қадриятлар, миллий ғоя ва демократик тамойиллар тарғиб-ташвиқ қилинади”⁹.

Барча турдаги таълим муассасаларида, асосан, таълим ўзбек адабий тилида берилади. Ҳар бир инсон кўлига етуклик шаҳодатномасини олгунга қадар ўзбек тилидан ўнлаб имтиҳон синовларидан ўтади. Ҳатто, бошқа миллатга мансуб айрим мухбир, сиёсатчи, элчи, дипломат, сиёсатдон ажнабийлар ҳам она тилимизга ҳурмат бажо келтириб, дил изҳорларини намоён этади. Уларни кўриб-эшитиб яйраймиз. Аммо, ўзбек бўла туриб, адабий тил меъёрида гапира олмайдиган айрим одамлар ҳам топилади. Бундай одамларга йўл очиб берса, нафақат тилини, балки ватанини ўзгаларга хор қилади. Тил этикети, тил одоби ва миллат руҳиятига зид муносабатда бўлишади.

1. Шавкат Мирзиёев. «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, Т. 23 октябр, 2019.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида, ПФ-2385-сон. Т., 1999 йил 3 сентябрь.

ТИЛ, ТАФАККУР ВА МИЯ НЕЙРОНЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРМАГНИТ ҚУВВАТИ

Сайфуллаева Р. Р.

ЎзМУ профессори, ф.ф.д.,

Бобокалонов П. Р.

БухДУ тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада замонавий нейролингвистика муаммолари ва синтактик аспектда француз тилини ўқитиш услубиёти учун муҳим саналадиган масалалардан бири нутқий ҳосилаларнинг фарқли қурилиши ҳақида мулоҳаза юритилган.

Калит сўзлар: инновацион ёндашувлар, психонейролингвистика, психоллингвистика ва нейролингвистика, ностандарт вазият, когнитив психология, неврология, ижтимоий психология, паралингвистика, стандарт ва ностандарт гаплар.

Тил умумий фойдаланиш предмети ҳисобланади ва тил бир вақтнинг ўзида абстракт моҳиятга эга. Тилнинг барча тамойиллари бир хилдек муҳим ва бу тамойиллар ўрганилиши шарт, чунки ҳеч бир тил тўлиқ ўрганиб чиқилмаган ва унда доимо қандайдир янги қирра намоён бўлади.

Тилни ўзлаштириш ва тоифалаштиришда когнитив тамойиллар – миё ва унинг тил билан боғлиқлиги аҳамиятлидир. Бу нейролингвистиканинг амалда ҳал этилмаган муаммоларидан бири ҳисобланади. Миё сирли бир нарса, агар у тил нуқтаи назаридан ўрганилса, тилни қандай идрок этишимиз, қандай суҳбатлашимиз, грамматикани қандай ўрганишимизни тадқиқ қилиш осон кечади. Технологияларнинг ривожланиши билан яқин йилларда ушбу ходисаларнинг моҳиятини чуқур билишга талаб ошмоқда. Айни кунда барча тилшунослар шу абстракт предметни – одамлар ўзаро сўзлашадиган тилни билишга яқдил. Нейролингвистик таълимот конкрет товушлар, сўзлар ва жумлаларни билишдир: овоз чиқариб гапиришнинг қулай қоидаларини, йўллари ва усуллари билишдир. Бу тилга нима тегишли ва нима тегишли

MUNDARIJA

<i>Kirish so'zi</i>	3
<i>Абдуллаева С. Я.</i> Тилга эътибор – элга эътибор.....	4
<i>Asilova G.A.</i> Harbiy ta'lim muassasalarida davlat tilida ish yuritish malakalarini rivojlantirish	6
<i>Sodiqova Sh.B.</i> Xorijliklarga o'zbek tilini o'rgatish orqali milliy madaniyatni tanitish	8
<i>Салишева З.И.</i> Respublikamizda va xorijiy mamlakatlarda o'zbek tilini o'qitish masalslari:yutuqlar va istiqboldagi vazifalar.....	11
<i>Асқарова Ш.К.</i> Навоий асарларида такрорнинг лингвопоэтик аҳамияти.....	16
<i>Атаев Ш.А.</i> Ўзбек тилининг тарихий шаклланишида бадий адабиётнинг ўрнига доир	20
<i>Холиқова Д.</i> Тил – миллат тафаккурининг инъикоси.....	22
<i>Baxronova D., Sarimsakova N.</i> O'zbek tili – o'zbek millatining ruhi.....	26
<i>Ертаев Ш. И.</i> Тил миллат равнақи.....	31
<i>Якубова Ф.</i> Тил – давлат рамзи	33
<i>Shodiyev R.S.</i> o'zbek tilshunosligida nutq madaniyatining o'ziga xosligi...	36
<i>Boymirzayeva M. Sh.</i> Til – millatning qiyofasi	38
<i>Джурраев Ш.Т.</i> Ўзбек тили ва унинг таракқиёт босқичлари	41
<i>Хожиева Ш.</i> Тил - миллат кўзгусидир.....	42
<i>Муродиллаева М.У.</i> Она тилим ўлмайди ёхуд боқийсан, ифтихоримсан, она тилим!.....	45
<i>Муродиллаева М.У.</i> «Муҳокамат ул-луғатайн»нинг хорижий элларда ўрганилиши.....	49
<i>Юсупова Н.З.</i> Ўзбек адабий тилининг шаклланишида Навоийнинг тутган ўрни.....	52
<i>Ражабова О.Н.</i> Тил бирликлари ўртасидаги боғлиқликлар.....	58
<i>Имамова Ш.П.</i> Тил миллат ғурури.....	60
<i>Majidova M. S.</i> Til tafakkur omili.....	63
<i>Рахманова М.У.</i> Язык – наше богатство.....	66
<i>Ergashova F.Yu., Ashurov L.</i> o'zbek tilining shakllanishi va rivojlanishi...	69
<i>Қаршиева М.Х., Рахимов Б. Э.</i> Тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзагидир.....	72
<i>Xudaynazarova M. B.</i> Til-millat ma'naviyati.....	77
<i>Гаппарова Н.А.</i> Ўзбек адабий тилининг ривожланиш тарихидан.....	78
<i>Тўраева Н. Н.</i> Она тили- Миллат руҳидир.....	81
<i>Бекнўлатов Х.Б, Мирпаязова С.З.</i> Тил - миллат бойлиги.....	85

<i>Курбанова С. А.</i> Тил миллат кўзгуси.....	88
<i>Эгамназарова З. К, Тухтасинова Р.Г.</i> Навои: мудрость слова и речи.....	91
<i>Пернопасова Е.А., Юсупова Н.Т.</i> Алишер Навои – художник узбекского слова.....	93
<i>Tashmetova A. S.</i> O‘zbek tilim- davlat tili, millatim faxri-g‘ururi.....	96
<i>Nuriddinova D.</i> Uzbek language history.....	98
<i>Абдуллаева Г.Б.</i> Великое наследие деятелей науки и культуры Средней Азии.....	101
<i>Соляхова Л.Р.</i> Узбекский язык как один из распространённых языков в мире.....	104
<i>Шомурадова Д.А.</i> Давлат тили ҳақидаги қонун ва унинг аҳамияти.....	106
<i>Халмуратова Д. Б.</i> Исторические особенности развития современного узбекского языка.....	108
<i>Отамуродова Д. Р.</i> Француз тилида сўз маъноларининг ўзгариши ва уларнинг қўлланилиши хусусида.....	111
<i>Қодирова И.</i> Мактабларда ўзбек тилини ўқитишда нутқ маданиятини ривожлантириш.....	114
<i>Икромов Ш.Э.</i> Ўзбек тили дарсларида ўқиш техникаси.....	116
<i>Эргашева Р. Т.</i> Авиация соҳасига оид атамаларнинг изоҳли луғатида терминлар маъноларини изоҳлаш масаласи.....	121
<i>Бобокалонов Р. Р.</i> Тилсиз миллат - сувсиз дарё	124
<i>Сайфуллаева Р. Р., Бобокалонов П.Р.</i> Тил, тафаккур ва мия нейронларининг электромагнит қуввати.....	127
<i>Бобокалонов П. Р., Фармонова П.</i> Тилни унутиш — ўзликни унутиш... ..	132
<i>Бобокалонов Р. Р., Ҳятова., Бобокалонов П. Р.</i> Новербал мулоқот воситаларининг психонейролингвистик ва лингвокултрологик талқини.....	135
<i>Рахманов С.Х.</i> Нутқий маҳоратни ошириш усуллари.....	144
<i>Бабарахимова А.-М.Х.</i> Использование материалов сми в формировании межкультурной компетенции курсантов на занятиях по русскому языку.....	147
<i>Karimova M.</i> Umumta’lim maktablarida ona tilini o‘qitish muammolari....	151
<i>Сулейманова Н. К.</i> Медиаграмотность как цель и результат медиаобразования.....	153
<i>Mamatkulova B. R.</i> Cognitive approach to study of anthroponyms.....	155
<i>Paizbekov T.Q., Paizbekova A. Dj.</i> Implementation of the State Educational Standards of Uzbekistan for military teaching practice.....	159
<i>Иргашев. Д. Р.</i> Обучения курсантов иностранным языкам на платформе “Moodle”	162

<i>Алибаева У.А.</i> Ҳарбий хизматчилар фаолиятида чет тилининг аҳамияти, уни ўрганишдаги муаммолар ва ечимлар.....	165
<i>Жуманазарова Ф. Р.</i> Диалектизмы как основа определения географии возникновения пословиц	170
<i>Муминджанова С.Х.</i> Нетрадиционные уроки как средство обучения...	172
<i>Бектурдиева Ш.</i> Ҳарбий олий ўқув юртларида чет тили машғулотларида ҳарбий матнлар устида ишлаш	175
<i>Ахупова М..N.</i> O‘qituvchining jamiyat taraqqiyotidagi tutgan o‘rni.....	179
<i>Маъдиева А. Д.</i> Ҳессе ижодида маънавий юксалиш омиллари.....	181
<i>Маматқобилов Т.Д., Бурханов Т.М.</i> Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар фаолиятининг уйғунлиги.....	184
<i>Курганова Р.Н.</i> Сотворчество как фактор влияния на эффективность учебного процесса.....	188
<i>Эшонқулов Н.Э.</i> Таълим жараёнида мобил технологиялардан фойдаланиш.....	191
<i>Рузикулов Ф. С.</i> Замонавий ва келажакдаги маҳаллий уруш ва жанговар ҳаракатларда муҳандислик таъминотининг ўзига хос хусусиятлари.....	194
<i>Мамажанов И.Р., Шерматов М.С.</i> Ахборот техник хавфсизликни таъминлаш.....	199
<i>Абдурахимов Р. F.</i> Замонавий кибер таҳдидлар даврида ахборот-психологик хавфсизлигининг долзарблиги.....	201
<i>Atadjanov N. SH.</i> Amerika qo‘shma shtatlari harbiy xizmatchilarining rahbarlik fazilatlarini o‘ziga xos xususiyatlari.....	205
<i>Ақбаров К.М., Ботиров З. А.</i> Дунёнинг ривожланган давлатлари миллий гвардия бўлинмалари қўлланилишининг ўзига хослиги.....	208
<i>Мирзалиев А.А.</i> Ахлоқий-руҳий тайёргарлик ҳарбий хизматчиларда жанговар руҳни шакллантирувчи асосий компонент.....	211
<i>Musinov A.A.</i> Milliy gvardiya harbiy xizmatchilarida axborot xurujlariga qarshi immunitetni shakllantirishni takomillashtirish.....	215
<i>Мамутов Ж.Р.</i> НАТО Мамлакатлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий ва руҳий тайёргарлигини ташкил этишнинг янги тенденциялари.....	220
<i>Умаров Ш.У.</i> Ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик фазилатларини оширишда ахлоқий кадриятларнинг роли.....	224
<i>Ҳаджиев С. Н.</i> Учувчисиз учиш аппаратларининг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи.....	227

<i>Муродиллаева М.У., Эшовов Ж.Қ., Йўлдошев Д.И.</i> Онам алласидай суюксан тилим, абадул-абад буюксан тилим!.....	231
<i>Абдувалиева М.А.</i> Тил ва маънавиятининг бугунги кундаги аҳамияти.	234
<i>Муртазаева А.Б.</i> Чет тили ўқитиш методикасининг она тили фани билан алоқаси.....	236

<i>Муродиллаева М.У., Эшовов Ж.Қ., Йўлдошев Д.И.</i> Онам алласидай суюксан тилим, абадул-абад буюксан тилим!.....	231
<i>Абдувалиева М.А.</i> Тил ва маънавиятининг бугунги кундаги аҳамияти.	234
<i>Муртазаева А.Б.</i> Чет тили ўқитиш методикасининг она тили фани билан алоқаси.....	236